Туркистон ўлкаси ўзининг тарихида тоза япрокларга эга бўлмокда. Хаёлга ўтмаган вокеаларни хакикат шаклида карши олмокда. Оврупонинг Оврупо маданияти аталгон йўл остида жони чикиб, инграб ётгон шу чокда Ўзбекистон ўзини янги хаёт эшиги олдида кўрадир. Оврупо «сарват»нинг конли ва чиркин панжалари орасида сикилмокда ва миллий-синфий душманларнинг тўполони ичида йўлини йўкотмокда экан, Туркистоннинг мазлум халки ўз тонгининг ота бошлагонини сезмакдадир.
Бу янги хаёт, Ўзбекистон жумхуриятида бошка миллатлар билан бир хукукда, бутун миллий зулм ва золимликлардан узок, ўзбек жумхуриятининг курилиши фикридир.
Октябр инкилобининг мазлум миллатларга бературган эрки Оврупода бўлгонидек бўлмай, бировдан зулм чекмак, бировга зулм этмак асосига карши бўлишиеракдир.
Хар миллат «тугал эрк» билан ўз хаётини тансик (комбинация) этишга эга бўлиши лозим.
Хар миллат ўзининг ижодий кобилиятини умумга фойдалик бир йўдда ўсдиришга тиришмакга йўл топмоги керакдир. Шундагина миллатлар ўса оладирлар ва шундагина башарият юксалатурган бир холда бўла олур. Бу эса миллатларнинг мукаддириятларини хал эта олатургон бир холга кирган вактдагина мумкин бўла олур.
Ўзбек жумхуриятини октябр инкилоби шу тасаввурлар билан тугдирди. Байналмилал баъзи кишиларнинг ўйлаганича дунёда хеч бир миллат колдирмаслик маъносида бўлмай, балки ер юзида бўлгон миллатларининг айрим-айрим ўз мукаддириятларини бошкаларга зарар бермаслик равишда тузмакликларидир. Шунинг учунда хар миллат ўзини ўзи идора этишга канча иктидорли бўлса, байналмилал шунча махкам асосга таянган бўладир. Шунинг учун ўзбек жумхурияти Туркистоннинг янги йўлга кириш даврида мухим бир йўлбоши саналиши мумкин.
Маколамизнинг максади, ўзбек миллий жумхуриятининг асосини тафтиш ва изох бўлмагонидан шу киска мукаддима билан кифояланиб максадга ўтамиз.
Ўзбек жумхуриятининг маркази Самарканд бўлиши муносабати билан тузулатургон ижрокўм учун Самаркандда бир бино курмакка карор бўлгонини эшитдик. Мана шу муносабат билан биз баъзи мулохазаларимизни майдонга отмокчимиз.
Туркистон эски маданий дунёнинг байналмилал чегарасида энг юкори ўрун тутатургон олимлар, хакимлар, шоирлар, санъаткорлар етиштирган бир ўлкадир.Туркис-тон шаркий, жанубий ва гарбий Осиёнинг бир-бировига тўкушатургон бир мавзеда бўлгонидан иктисодий нукталарга молик бўлгондир. Шунинг учунда бир вакглар маданиятнинг энг юкори даражасига мингандир. Кейинги вактларда икки дунё бозорларининг Оврупо ва Амрико савдогарларига очилиши ва савдо йўлларининг ўзгариши махаллий маданиятнинг пастлашишига сабаб бўлгондир... Эски маданиятимизнинг бу кисми (баъзи мусбат олимлардан бошка бўлгон кисми) хам бошка, эски илм ва фан кисми кейин колгон деб айтиб бўлмайдир. Чунки бир миллатнинг маданиятининг юксалган вактидаги етишдирган дохийларнинг асарлари у миллатнинг «тургунлик» даврида доимо манфааткорлар тарафидан мўдул  саналгон ва ўшанга ўхшатмок гоя ўрнини олгондир.
Бу хол бутун дунёдаги миллатларининг бошидан ўтгандир.
Ўн олтинчи асрнинг биринчи ярмида Италиядан етишган Рафаел, Ансилаларнинг лавхалари ўн саккизинчи, хатто хозирги асргача мўдул ўрнида ишлатиладир.
Германияда Голбин, Дурирларнинг мактаблари ўн саккиз ва ўн тўккизинчи асргача давом этгандир.
Бу миллатлар, хатто, неча юз йиллик хаётларида бошкадан шундай дахолар

кўрмаганларидан хали хам шуларга етишмак учун тиришадирлар. Машхур мусикачи Бетховен неча асрдан бери дунёнинг энг севимли кишисидир. Наволари доимо рагбат билан эшитиладир ва унинг каби бўлишга тиришиладир.
Бизнинг тарихимизда хам шундай ахамиятли шахсиятлар оз эмасдир. Уларнинг асарлари неча асрлардан бери кўлланма вазифасини адо киладир.
Мусикамизнинг саккиз асрдан ортик бир тарихи бўлгони каби меъморчилигимизнингда саккиз асрга якин умри бордир. Мусикамиз шу асрлар бўйинча, табиий, турли ўзгаришларга учрагандир.
Факат сўнгги вактлардаги васикаларга караганда уч-тўрт аср орасида ўзгариш жуда оз бўлгандир.
Меъморимизда хам хол шудир.
Сўнгги кунларда Бухорода кашф этилган еттинчи асрларда бино этилган бир мозор билан ундан икки аср сўнг ясалгон Шердор мадрасаси бино этилган, ундан икки аср сўнг Хўкандда бино этилган Умархон мадрасаси ва шу сўнгги асрнинг асари бўлган Худоёрхон ўрдаси - хаммаси ислом-турк меъморининг Туркистон услуби тарзининг такроридир.
Юкоридаги бу изохдан маълум бўладирким, бизнинг маданият асримиздан колгон мухим меъморимиз бордир ва халигача давом этадир.
Бу билан биз шуни айтмок истаймизким, бизнинг ўз рухимизнинг акси бўлюн меъморимиз бор экан, нечун курулатургон бинолар ўз рухимизда курулмасин?
Айникса, янги тарихий давр билан бошланатургон Туркистон тарихи ўзининг биринчи кадамида, гоясида бўлгон миллий-ижтимоий жумхуриятнинг маркази сифатини олатургон ижрокўм биносини бутун хайъат би-лан кайси ернинг, кайси элнинг натижаси ва эгаси бўлишини гавдалантириб кўрсатиши керакдир?
Албатта, Туркистоннинг эмасми?!
Шунинг учунда бу масалага халк ходимларининг ахамият беришлари ва рус жахонгирлигининг иши билан Туркистон мазлум элининг бирдан-бир дахосининг тажассум этилишини кўрсататургон бир гавда куришлари керакдир.
Бу бино Туркистон янти маданий хаётининг туб тоши (таг курси) бўлиши керакдир.

---

Янги давр, янги йўл. Бу макола хам В. Махмуднинг Москва даври ижодидан бир намунадир. Макола «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 17 декабр сонида эълон этилган.